

Саудия Арабистони қуёш энергиясида ишлайдиган илк автомобилни намоиш қилди



03:05 / 04.04.2021 2284

Ушбу ҳафта Жидда шаҳрининг «Ал-Файсал» университетида муҳандислик факультети ўзининг биринчи қуёш ва электр машинасини намоиш қилди. Бу Саудия Арабистони учун қувончли воқеа бўлди.

Барқарорликка йўналтирилган янги тўлиқ электр транспорт воситаси бир неча йиллик изланишлар ва Хабиб Фаруқ бошчилигидаги гуруҳ томонидан Boeing билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилди.

Ўзининг пресс-релизида «Ал-Файсал» университети раҳбари, ўз ишини бошлаганини фахр билан эълон қилади.

«Университетнинг электротехника, механика, саноат ва техника муҳандислиги факультети талабалари ушбу лойиҳада бир неча йилдан бери ишламоқда», дейди у. — Университетда бу ишни бажариш учун тегишли шароитлар ва ҳамкорликлар йўлга қўйилган.

Муҳандислик коллежи лойиҳа менежери ёрдамчиси Аҳмад Отифининг сўзларига кўра: «Материаллар синчковлик билан танланган ва талабалар ўзлари керакли мақсадга эришиш учун механик, электр ва техник қурилмаларда ишлаган, яъни ушбу автомобилни ишлаб чиқаришган».

Бир марталик қувват билан соатига 80 километрдан кўпроқ тезликда 2500 километр масофани босиб ўтишга қодир бу олтин рангли транспорт воситаси кўплаб халқаро мусобақаларда қатнашади.

Хуршид Маъруф тайёрлади